Тадбир

## КИТОБ ТАҚДИМОТИ

**Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) билан ҳамкорликда “Ўзбекистон аҳолиси турмушида ислом динининг ўрни” мавзуида социологик тадқиқот ўтказди. Шу тадқиқотлар натижаси ўларок марказ “Ўзбекистон аҳолиси турмушида ислом динининг ўрни” номли китобни нашрдан чиқаришди.**

Шу йилнинг 12 май куни “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида шу китобнинг тақдимоти ўтказилди.

Тақдимотни “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Раъно Убайдуллаева очиб берди ва олиб борди.

Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатларидаги лойиҳаси координатори, жаноб Винфрид Шнайдер сўзга чиқиб, Ўзбекистонда ислом динига бўлган муносабат ва унинг аҳамиятлари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган масжидлар ҳақида гапириб ўтди.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси, доктор Мартин Хаккер ҳам аҳоли турмушида диннинг ўрни тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Вилоятларда ўтказилган социологик тадқиқот натижалари билан профессор Б.Отамирзаев таништирди.

Тарихдан тариқдай тариқат

# ТАХТ НАСИБ ЭТМАГАН ВОРИС

**Хива хонлари шажарасига оид энг сўнгги маълумотларга кўра, тахтда ўтирган 62 нафар кишининг шахси аниқланган. Ажабланарлиси шундаки, улар ичида бир ой, бир ҳафта ва ҳатто бир кун хонлик қилган ҳукмдорлар ҳам учрайди. Кўп ҳолларда уларнинг кейинги ҳаёт тақдирлари аянчли кечган.**



Айниқса, Хиванинг охирги хони Саид Абдуллахоннинг тақдири турли фожеавий ҳодисалар билан якун топди. Энг аввало, у мустақил равишда хонлик қила олмади.

1920 йилнинг февралида Хивада большевиклар ҳукумати ҳокимият тепасига келиб, Саид Абдуллахон тахтдан ағдарилди. У 28 январь куниёқ, ҳибсга олиниб яширинча Тоштурмага жўнатиб юборилганди. 12 июль куни эса, бу ердан Украинага сургун қилинади.

Саид Абдуллахоннинг хотини Саодат бика турли жойларда яшириниб, большевиклар таъқибидан қутулиб қолишга муваффақ бўлган. Унинг қўлида тахтнинг бўлғуси вориси деб эълон қилинган 3 яшар Саид Тўра ҳам қолиб кетганди.

Хивада большевиклар тузуми ўрнатилгач, хон авлодлари турли томонга тарқаб кетишди. Саид Абдуллахон тўнтариш арафасида “болачаларимдан хабар олиб тургин!” деб Машарип девонга бир тугун олтин, жавоҳирлар беради. Унинг ўзига эса, оиласи билан бошқа учрашиш насиб этмади. Кейинчалик, қийналиб қолган Саодат бика ёрдам сўраб Машарип девоннинг олдига боради. У тиллаларни ҳукуматга топширмоқчилигини айтади. Агар унга турмушга чиқишга рози бўлса, олтинларни унга беришини айтади. Саодат бика бу шартга кўнишга мажбур бўлади. Шундан сўнг, гап-сўз кўпайиб кетишидан чўчиган Машарип девон Саодат бикани олиб, Урганчга кўчиб кетади.

Шу аснода, йиллар ўтади. Энди, дўқ-пўписалар ортда қолиб кетганди. Бу орада тахтнинг насиб этмаган вориси Саид Тўра ҳам улғайиб вояга етади. Бироқ, “хоннинг ўғлисан” дея уни ҳеч қаерга ишга олишмайди. У фамилиясини ўзгартириб, ўгай отасининг номига ўтади. Шу тариқа ҳужжатларда Саид Тўранинг исми Айтбоев Саид Машарипович бўлиб қолади.

У шу ном билан Свердловск автомобил йўллари техникумига ўқишга киради. Ўқиш тугагач, уруш бошланиб фронтга жўнайди. 26-ҳаво десанти гвардиясида офицер бўлиб хизмат қилади. Чехословакияни озод қилиш учун бўлган жангларда ҳаво жангида кўрсатган қаҳрамонликлари учун медал билан мукофотланади.

Урушдан сўнг Саид Тўра - Саиджон Айтбоев “Хоразмтранс” корхонасида муҳандис, 1953-57 йилларда Манғитда автоколонна директори бўлиб ишлайди.Уйлангач, 1958 йилда Гурланга кўчиб келиб, 68-автокорхонада ҳамда туман пахта тозалаш заводида турли лавозимларда ишлайди.

Нафақага чиққач, кексайиб қолган Саид Тўра яна Хивага кўчиб келади. Бу кўчишдан асосий мақсад умри поёнига етиб қазо қилса, ўз жасадини Ичон-қалъадаги хон ва хонлар уруғи ётган даҳмага дафн эттириш эди.

1976 йилда Саид Тўра вафот этади. Унинг фотиҳасига Хоразмнинг барча жойларидан хон авлодлари келишганди. Бироқ, КГБ ходимларининг аралашуви билан унинг жасади Хивага дафн эттирилмади. Шундан сўнг, ўғиллари майитни Гурланга олиб бориб, ҳозирги Усмон Саид бобо қабристонига қўйишади.

Саид Тўрадан Рустамбой, Гулчеҳра, Гулсара, Бахтиёр, Даврон, Мавлон, Қаҳрамон ҳамда Хосият исмли фарзандлар, кўплаб набиралар қолган. Улар бугун ҳам барҳаёт. Турли жойларда умргузаронлик қилишмоқда.

Ҳа, тарих энг одил ҳакам. У ҳар бир нарсага ўзининг адолатли баҳосини беради. Зотан, буни бугун кўпчилик ватандошларимиз, юртдошларимиз ўз бошларидан кечиришиб, гувоҳ бўлмоқдалар.

**Қодир МУЛЛАЕВ**

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ



**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Аслида ишларингиз бир маромда кетётган бўлсада, нима учундир кайфиятингиз кўтаринки эмас.

**СИГИР(22.0420.05)**

Шу кунларда қариндошларингиз билан боғлиқ тадбирларнинг кўплиги сизни толиқтириши мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)**

Молиявий манфаатни кўзлаб қўллаган чораларингиз ўз натижасини беради. Шу кунларда омадлисиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар бирин-кетин юзага чиқа бошлайди. Бунга алоҳида эътибор қаратишингиз лозим.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Келаси чоршанбагача турфа юмушлар оғушида бўласиз. Лекин асосий фаолиятингизга кўпроқ эътибор беринг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Сизга эса шу кунларда табиат қўйнида кўпроқ бўлишни маслаҳат берамиз. Бу сиз учун жуда фойдали.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларда қонун чегарасидан чиқмаслигингиз энг аввало ўзингиз учун фойдали.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Шу кунларда яқинларингиз билан бироз тортишиб қоласиз, можаро каттармасин десангиз ортиқча қизишманг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Ижодий фаолиятингиз авжга кирган шу кунларда бу ҳолатдан унумли фойдаланиб, бир қатор ютуқларга эришишингиз мумкин.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Анча вақтдан бери кутилган расмий учрашувда қатнашиш учун сизга имкон яратилади. Уни қўлдан бой берманг.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Афсуски, сиз учун омадсиз кунлар бошланмоқда. Нима бўлганда ҳам кайфиятингизни туширманг, ҳаммаси ўткинчи.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Сизнинг фаолиятингиздан манфаатдор бўлувчилар шу кунларда жуда кўп. Ҳужжатларни имзолашда эҳтиёткорлик талаб этилади.

**Муносабат: «Қишлоқ фуқаролар йиғини... керакми?»**
**16 апрель, 23 апрель, 30 апрель.**

## ҲАР ИШГА МАҲАЛЛА ЙИҒИНИ БОШ БЎЛГАЧ...

Тан олиш керак, жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғини идораси ўз таркибига кирадиган маҳаллалар ҳудудидан анча олисда жойлашган. Фуқаролар бирон-бир маълумотнома олиш учун 18-20 километр, баъзи жойларда ундан ҳам узоқ масофага қатнашлари керак. Чунки бундай маълумотномалар айни кунда фақаттина қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилмоқда. Маълумотномалар қайд этиладиган статистик журналлар нима учундир маҳаллаларга берилмайди. Оила таркиблари ва мулк тўғрисидаги маълумотларни оддий идора китобига кўчириб бўлмайди, сабаби у журнал статформа ҳисобланади, унинг юритилиши тегишли тартибда назорат қилинади.

Яна бир фикр: маҳаллаларда тўй тантаналарини ўтказишда маҳалла оқсоқоли, фаоллар бош-қош бўладилару, никоҳ гувоҳномасини қишлоқ фуқаролар йиғини ходими ўнлаб чақирим жойдан келтириб топширади. Бу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий: нима учун фуқаролик ҳолатини қайд этувчи далолатномаларни рўйхатга олиш ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга оширишни маҳалла йиғинига топшириб бўлмайди? Бунга нима ҳалақит беради? Мисол учун, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани маҳалла йиғини ходимлари чақалоқ туғилган хонадонга ташриф буюриб тантанали топширганлари оила аъзоларининг сарсон-саргардон бўлиб гувоҳнома олганидан афзал эмасми?!

**Курбон ҲАМИДОВ,**
**Қашқадарё вилояти Касби маҳалласи оқсоқоли.**



*Хоразм куй-қўшиқлари азалдан бутун дунёга машҳур.*

*Айниқса лазги куйи янграганида ҳар бир инсоннинг вужуди қандайдир ҳаяжонга, жўшқин ҳис туйғуга тўлади.Англанмас бир сеҳр беихтиёр рақсга чорлайди.*

## ФАОЛЛАР ФИКРИ

Биз маҳалла фаоллари сифатида маҳалла йиғини фаолиятида бевосита иштирок этишимиз боис, бугунги кунда қишлоқ фуқаролар йиғини керак эмас, дея таъкидлай оламиз. Аслида қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини четдан кузатган ҳар қандай киши шундай хулосага келиши мумкин. Айни кунда қишлоқ фуқаролар йиғини маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини такрорловчи, баъзи ўринларда ҳалақит берувчи органга айланиб қолган. Аҳолининг фуқаролик ҳолатига оид бир қатор далолатномаларни расмийлаштиришни ҳисобга олмасак, қишлоқ фуқаролар йиғинининг деярли қиладиган иши йўқ.

**Чори БЕРДИЕВ,**
**Миркомил АЛИМОВ.**

Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Юқори мачай қишлоғи.

Оқсоқол илҳоми

Андижон вилояти

## МАҲАЛЛАМДАН...

Яхшилик кўрдим мудом танга - жон маҳалламдан,
Ота-онамдек азиз меҳрибон маҳалламдан.

Тўй маросимларга бош зарра қайғум йўқ менинг,
Бўлмагай исроф сира ошу нон маҳалламдан.

Келса ташвиш ёнма-ён бирга ҳамдардлик қилур,
Топди кўнглим бошига соябон маҳалламдан.

Дард чекиб ётсам магар қавм-қариндош бехабар,
Ҳол сўраб киргувчи ҳам жона-жон маҳалламдан.

Авф этиб нуқсонларим, бахту иқболимни тилар,
Бир умр қарздор мен қадрдон маҳалламдан.

Туҳфадир боболардан давлатимга пойдевор,
Ўргану услубларин кенг жаҳон маҳалламдан.

Эй, Убай, ошкор яша элу олам олдида,
Тутмагил ҳаргиз ишинг сир-ниҳон маҳалламдан.

**Убайдулло МАМАШОИПОВ,**
**Қўрғонтепа туманидаги Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Қишлоқ фуқаролар йиғини... керакми?» сарлавҳали мақола чоп этилгандан буён таҳририятимизга жуда кўплаб хатлар келмоқда. Демак, бу масала жойларда кўпчилик маҳалладошларимизни, айниқса, тизим ходимларини ўйлантириб келаётган экан, дея ишонч билан айтиш мумкин. «Қишлоқ фуқаролар йиғини... керакми?» мунозарасида муносабат билдирувчиларнинг аксарияти маҳалла тизими ходимлари бўлиб қолмоқда. Шу боис биз бу борада мутасадди бўлган ходимларнинг, олимларнинг, оддий фуқароларимизнинг ва турли соҳа кишиларининг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини истардик.**

Оилавий спорт



## ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ

***Яқинда Янгийўл шаҳридаги марказий ёпиқ спорт залида шаҳар маҳаллалари ўртасида “Маҳалла” жамғармасининг шаҳар бўлинмаси соврини учун “Оилавий спорт” мусобақалари бўлиб ўтди.***

Қизғин беллашувдан сўнг биринчи ўринни Ишчилар шаҳарчаси маҳалласидан Собир Комиловлар оиласи олишди. Иккинчи ўрин Фарҳод маҳалласи вакиллари Шуҳрат Мамадалиевлар оиласига насиб этди. Учинчи ўринга эса Муқимий номли маҳаллада яшовчи Бахтиёр Ўсаровлар оиласи лойиқ кўрилди. Уларга шаҳар ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда “Маҳалла” жамғармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Б.МИРЗААЛИЕВ,**
**“Маҳалла” жамғармаси Янгийўл шаҳар бўлинмаси раиси.**

**Суратда: ғолиблар тақдирланмоқда**

Ф. МТ-1

«Матбуот тарқатувчи»
Акциядорлик Компанияси

АБОНЕМЕНТ газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla
(нашр номи) | Комплектлар сони

______ йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. | жойи — 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla
(нашр номи)

Обуна баҳоси ______ сўм | Комплектлар сони

______ йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

**Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа турдаги шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.**

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги **қонунидан**

*Чўмилиш «сонатаси»*



Х. СОДИҚОВ чизган.

## ОМАД СЕНГА, НАХИДАБОНУ!

**Избоскан туманининг Янгиқишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғини Урганжи маҳалласида яшовчи Нахидабону Мирзажонова эндигина 8 баҳорни кўрди. Ақл ёшда эмас, бошда деганларидек, у тумандагина эмас, вилоят миқёсидаги беллашувларда ҳам спортнинг 64 катакли шашка тури бўйича ўз қобилиятини намойиш этмоқда.**

Ҳозирда у 25-боғча гимназиянинг 2-синфида ўқимоқда. Туманда ўтказилган оилавий спорт мусобақасида 1-ўринни қўлга киритиб вилоят беллашувида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Нахидабонуга мусобақанинг “Энг ёш иқтидорли спортчиси” махсус соврини топширилди.

**Адаҳамжон ОМОНБОЕВ,**
**“Mahalla” мухбири.**

**Обод маҳалла йилининг**

*энг асосий тадбирлари ҳали олдинда. Бундан бебаҳра қолмайин десангиз, газетамизга обуна бўлишни унутманг!*

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъналберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Нилуфар САФОЕВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7790 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-239 Топширилди—21.00